



Менинг туғишигандек қадрдон дўстим бор эди. Ўтган хафта баҳтсиз ҳодиса - автоҳалокатда тўсатдан вафот этди. Аллоҳ гуноҳларини кечирсин, раҳматига олсин!

Лекин унинг муаммоси ҳал бўлмай қолиб кетди. Дўстим интернетни яхши биларди. Беҳаё саҳифаларни топиб, беҳаё суратларни йиғишини яхши кўрарди. Ҳатто ўзига веб-манзил очиб, унга ўша суратларни жойлаштирганди. Буни қарангки у бошқа ўзига ўхшаганларга beminnat хизмат ҳам ташкил қилган экан. Унинг веб-манзили бошқа бир қатор веб манзилларга аъзо экан. Ўша манзиллар янги-янги суратларни унга давомли жўнатишар экан. Дўстимнинг манзили эса автоматик равишда у суратларни ўз манзили аъзоларига жўнатади. Қарабисизки сон-саноқсиз beminnat гуноҳлар ошнам ҳузурига йўл олмоқда. Қачон дейсизми? ЎЛИМИДАН КЕЙИН! Аксига олиб манзилнинг сирли калитини ҳеч ким билмайди.

Жаноза бошланишини кутиб ўтиарканман шуларни ўйладим.

Тобутни кўтариб борарканман ўзимдан сўрадим: - Қабрга нима олиб кетябди? Беҳаё суратларими?

Қабри тепасига ҳам етиб келдик. Баъзилар уни қабрга тушираётганда, тупроқ тортаётганда кўз ёш тўкишиди.

- Кўз ёшдан нима фойда? Унга нима қилиб бера оласизлар?
Тириклигига қайда эдинглар? Уни тўғри йўлга чақирганмисизлар!? -
дека ўйладим.

Насиҳат қилганлардан бири мен. Қачон шу мавзуни очсам: - Қўй ошна, бу шунчаки бир шўхлик. Биласанку - ёшмиз. Ёшлик эса -



шўхлик. Бир неча йилда бунинг ҳаммаси унут бўлади. Хозир бошқа мавзуларда гаплашайлик!

Вафотидан бир икки кун ўтиб онаси телефон қилиб қолди.

- Болам! Дўстингдан хавотирдаман. Фалати тушлар қўрябман. Бугун тушимдамиш.. унинг қабрига ёш-ёш йигитчалар кетма-кет келиб унинг қабрига сийишябди. Қўрқиб уйғониб кетдим. Таъбири нима экана билмайсанми болам?

- Хавотир олманг онажон, яхшилиkdir, мен таъбир билмайман, бирортасидан сўраб берарман. Сиз хотиржам бўлинг!

Бечора онани тинчлантираман-у ичимни ит таталайди. Нима, билмайманми!? Туш таъбири аниқ. Бу ўша машъум манзилдан сурат келган ёшлар гуноҳ қилишябди. Уларнинг кетма-кет келиши эса бир - бирига жўнатганидан.

Унга яна яхшилик қилиш мақсадида веб-манзилни ижарага берган ташкилотга боғландим. Маълумотларни олишиб, ўша манзилга яна уч йиллик ижара тўлангани, агар манзилнинг сирли калити бўлмаса ҳеч нарса қилолмасликларини, ижара муддатини тугаши билан манзил ўз-ўзидан бекор бўлишини айтишди.

- Тушунсангларчи ахир, эгаси ўлган. У йўқ!

- Биз бошқа ёрдам бера олмаймиз!

Яна уч йил!!

Бунисига нима дейсиз!?

Ёмонлик калити бўлмасангчи нима қиласан бошқаларга ҳам тарқатиб!

Мана энди нима қилади?! Ҳар куни янги ва янги гуноҳлар.. манзили аъзоларидан, яна ўша аъзолар бошқа танишларига .. улар ҳам ваҳокозо.. узундан узок занжирлар. Бу занжирларга илинган гуноҳлар.

Мушфиқ Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам огохлантиришларига қулоқ солмасликнинг жазоси бу: «Кимки бир ёмонликка чақирса, у одамга ўша ёмонликка эргашган ҳар бир кишининг ёмонлигидан тўла бир улуш бориб туради. Аввалгиларнинг улушкидан кейингиларга берилгани сабабли камайтирилмайди».

Дўстим ўлди. Лекин қиёмат кунида манзилидан тарқалган суратларга тушган хар бир назарга, сабаб бўлган хар бир бузуқликка, хар бир тарқатишга жавоб беради.

Эҳе, бу занжир қачонгacha давом этар экан? Аллоҳ ўзи кечирсин!

.....

Менга Аллоҳнинг Ўзи кифоя У қандай яхши ҳомий.

* * * * *